

УЗЛУКСИЗ ЎҚУВ-КАРЬЕРА ЖАРАЁНИ ТИЗИМИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ: ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ТАЖРИБАСИДА

Отаев Ўткирбек Матёқубович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти

E-mail: otayev1983@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада ички ишлар вазирлиги малака ошириш институти тажрибасидан келиб чиқиб, Ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-кариера жараёни тизимида ўқув машғулотларининг асосий турлари ва ўқув-методик ишлари ҳақида илмий асосланган маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: *ички ишлар органлари, малака ошириш институти, ўқув машғулотлари, ўқув методик ишлар, маъруза, семинар, амалий машғулот.*

THE MAIN TYPES OF TRAINING SESSIONS IN THE SYSTEM OF LIFELONG LEARNING-CAREERS: ON THE EXAMPLE OF THE EXPERIENCE OF THE INSTITUTE OF ADVANCED TRAINING OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS

Otaev Utkirbek Matyokubovich

Institute of Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan,

E-mail: otayev1983@mail.ru

Abstract. This article provides scientifically based information about the main types of educational and educational work in the system of continuous educational and career process of internal affairs bodies. Based on the experience of the Institute for Advanced Studies of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: *internal affairs bodies, training institute, educational training, educational methodical work, lecture, seminar, practical training.*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш Институти ва унинг филиалларида ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-кариера жараёни тизими, давлат таълим талаблари, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар талаблари, шунингдек, Институтнинг Устави ва йўриқномалар асосида амалга оширилади. Институтда таълим олиш кундузги (хизмат фаолиятдан ажралган), масофавий ва мобил сайёр (хизмат фаолиятдан ажралмаган, қисман ажралган) шаклида ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Ўқув ишлари - Давлат таълим талаблари, ўқув дастурларига мувофиқ, профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотлари, иш ўрганиш амалиёти (стажировка), тингловчиларнинг мустақил таёргарлиги шаклида ташкил этиладиган ҳамда таълим ва тарбиянинг бирлигини, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлайдиган фаолият тушунилади.

Ўқув машғулотларининг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади: жумладан, маъруза, семинар, амалий, факультатив, сайёр амалий машғулот, маслаҳат ва ҳоказо.

Маъруза - ўқув материалининг ўқитувчи (маърузачи) томонидан тизимли, кетма-кет, узвий монологик тарзда ифодаланишидан иборат бўлиб, қоидага кўра назарий хусусиятга эга бўлади.

Унинг мақсади - таълим олувчилар диққатини мавзунинг энг мураккаб ва муҳим жиҳатларига қаратиш, уларнинг фаол иштирок этишларини рағбатлантириш ва ижодий тафаккурни шакллантиришга кўмаклашишдан иборатдир. Маъруза таълим олишнинг етакчи анъанавий шаклларида бири бўлиб, унинг мантиқий давоми сифатида семинарлар, амалий машғулотлар, каби ўқув машғулотларининг бошқа шакллари ўтказилади. Маърузаларнинг қуйидаги турлари ажратилади: “маъруза-суҳбат”, “бинар маъруза”, “маъруза-фитна”, “маъруза пресс-конференция” ва “маъруза-конспект” ва хоказо.

Кафедра, цикл бошлиғи ва маърузачи маърузани тайёрлашга, унинг мазмунига жавобгар ҳисобланади. Маъруза матнлари ўқув услубий мажмуа таркибига киритилади ҳамда кафедра, цикл йиғилишларида муҳокама қилинади ва ўқув фондини ташкил қилади. Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда Институт Илмий Кенгашининг қарорига асосан тажрибали ўқитувчилар томонидан ўқилади.

Семинар - тингловчиларнинг берилган мавзу бўйича ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлаши натижасида тайёрлаган қисқа хабарларини муҳокама қилишга асосланган ўқув машғулотининг туридир. Тингловчи маърузада олган билимини семинарда кўрсата билиши керак ва унинг билими даражаси профессор-ўқитувчилар томонидан баҳоланади. Қоидага кўра, семинар битта ўқув гуруҳи билан ўтказилади. Чиқиш қиладиган тингловчиларнинг таркиби олдиндан белгиланмайди. Чиқиш қилиш ва муҳокамага ҳамма тингловчилар тайёрланадилар. Семинар материаллари ўқув услубий мажмуа таркибига киритилади ҳамда кафедра, цикл йиғилишларида муҳокама қилинади ва ўқув фондини ташкил қилади. Семинар машғулоти амалий ўқитиш усулларида ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан, топшириқларни ечиш.

Амалий машғулот - ўқув машғулотларининг асосий турларидан бири бўлиб, берилган назарий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда реал шароитга яқинлаштирилган ҳолатда соҳага оид вазифаларни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган. Улар сифатида аудитория, махсус ўқув хонаси, турли хил объектлар, цимуляция маркази ёки ўқув машқ полигонлари ҳамда ички ишлар органлари амалий базаларда ўтказилиши мумкин. Амалий машғулот давомида амалий топшириқларни бажара олиш, хизмат ва процессуал ҳужжатларни тузиш, оддий ва ноодатий ҳолларда хатти-ҳаракатлар, тактик усулларни қўллаш, махсус техника, ўқ отиш қуроли, жисмоний куч ишлатиш бўйича тингловчиларнинг билим ва кўникмалари янада бойитилади. Амалий машғулот материаллари ўқув услубий мажмуа таркибига киритилади ҳамда кафедра, цикл йиғилишларида муҳокама қилинади ва ўқув фондини ташкил қилади.

Илмий-амалий конференция – энг муҳим муаммоларни муҳокама қилиш, касбий фаолиятда тажриба алмашиш, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш, назарий билимларни амалда тўғри қўллаш йўллариини ўргатишдан иборат ўқув машғулотининг шакли ҳисобланади. Унда тингловчилар аввалдан тайёрланган маъруза матнлари ва муаммо ечимига оид фикр-мулоҳазалари билан чиқишлари мумкин.

Мустақил тайёргарлик - тингловчилар учун таълим жараёнининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у тингловчилар томонидан мустақил равишда эртанги кун машғулотларига тайёргарлик кўриш жараёнидир. Мустақил тайёргарлик соатларида тингловчиларга маслаҳатлар бериш, жадвал асосида кафедра ва циклларнинг навбатчи ўқитувчилари томонидан, ушбу вақтда тингловчиларнинг фаолиятини назорат қилиш эса саф қисми офицерлари томонидан амалга оширилади.

Мақсад - олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, шунингдек тингловчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, келгусидаги машғулотлар, синов ва имтиҳонларга мустақил тайёргарлик кўриш ҳамда берилган топшириқларни

бажаришдан иборат. Ҳафтанинг шанба ва байрам кунлари мустақил тайёргарлик ўтказилмайди.

Маслаҳат - тингловчиларга ўқув дастурларини мустақил равишда ўрганишда ёрдам беришга, ўқув қарздорлигини бартараф қилиш ҳамда оралиқ ва якуний назоратларни муваффақиятли топширишларига кўмаклашиш. Маслаҳатларга тингловчиларни саф қисми офицерлари таъминлаб беради. Маслаҳатлар ўқув гуруҳида машғулоти олиб борувчи ўқитувчи, у йўқлигида эса навбатчи ўқитувчи томонидан ўтказилади. Оралиқ ва якуний назоратлардан олдин маслаҳатлар профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулоти жадвалига мувофиқ ўтказилади. Маслаҳатларни ўтказиш куни ва вақти ўқув-услубий бўлими томонидан ишлаб чиқилган ўқув машғулоти жадвалида қайд этилади.

Факултатив машғулоти - профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, тажрибали амалиёт ходимлари томонидан тингловчиларга қонунчилик ва соҳага оид янгиликлар бўйича қўшимча маълумот бериш учун ўтказилади.

Сайёр амалий машғулоти - бу Институт ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган ўқув машғулоти тури бўлиб, Институт филиаллари, ички ишлар органилари бўлинмалари, бошқа давлат ташкилотлари, муассасаларида ўтказилади. Сайёр машғулоти давомийлиги кунига олти академик соатдан ошмаслиги зарур. Тингловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган таълим усуллари қўллаш ман этилади.

Ўқув машғулоти самарали ташкил этиш учун кафедра (цикл)лар томонидан тегишли ўқув-методик материаллар билан таъминланади. Ўқув-методик ишлар ўқув жараёнининг узвий қисми ва профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятининг асоси бўлиб, ўқув жараёни сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилади. Ўқув-методик ишлар тингловчиларга таълим беришнинг ижобий тажрибасини тарқатиш, ўқув жараёнига интерфаол усуллар ва интерактив таълим воситаларини жорий қилишдан иборат.

Ўқув-методик ишларнинг асосий мазмунини қуйидагилар ташкил этади:

ўқув жараёни бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштириш, раҳбарият, профессор-ўқитувчилар меҳнатини ташкил этиш, педагогик маҳоратини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

ўқув курсларни ўқитишнинг мантикий тузилмаси, барча турдаги ўқув машғулоти ўтказишда инновацион педагогик технологияларини ўрганиш ва ўқув жараёнида қўллаш;

ўқув машғулоти ўтказиш ва методик таъминлаш учун барча турдаги ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш;

хорижий, республикадаги етакчи олий таълим муассасалари ўқув-методик ишларининг илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

Ўқув-методик ишнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

ўқув-методик масалалар бўйича кафедра, цикл йиғилишлари. Конференция, давра суҳбати семиналар;

Институт Илмий кенгаши йиғилишларида ўқув, ўқув-методик масалаларининг муҳокамаси;

мастер-класс (намунавий дарслар), очик ва синов машғулоти;

педагогик назорат ва ўқув машғулоти ўзаро қатнашиш;

педагогик маҳорат мактабининг самарали фаолият кўрсатиши;

мустақил изланувчиларнинг илмий ижодий куни ва ҳоказо.

Мастер-класс (намунавий машғулотлар) - энг маҳоратли профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади ва ёш ўқитувчиларга ўқув дастури бўйича машғулотлар ўтказишнинг тўғри, мақсадга йўналтирилганлигини ва замонавий педагогик технология ҳамда интирфаол методларини намойиш этиш, ўқитишнинг ижобий тажрибасини тадбиқ этиш, шунингдек тингловчиларга намунавий амалларини кўрсатиш, техника, жиҳозлар ва кўргазмали қўлланмаларни ишлатишда янги методик усулларни қўллаш тартибини намойиш этишни ўз ичига олади.

Очиқ машғулотлар - таълим бериш малакаларини ўрганиш орқали профессор-ўқитувчиларга методик ёрдам бериш мақсадида ўтказилади. Очиқ машғулотга қатнашувчиларнинг таркиби кафедра ва цикл бошлиқлари томонидан белгиланади. Машғулот тугагандан сўнг унинг муҳокамаси ўтказилади. Профессор-ўқитувчилар машғулотларнинг ижобий томонлари ва камчиликлари, таълим ва тарбиявий мақсадларда эришилган ютуқлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар ҳамда машғулот ўтказиш методикасини яхшилаш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берадилар. Очиқ машғулотлар кафедра, цикл иш режалари ва ўқув машғулотлар жадвали асосида ўтказилади.

Синов машғулотлари - Институт бошлиғи ёки унинг биринчи ўринбосари кўрсатмасига асосан кафедра ва цикл бошлиқларининг тавсиясига кўра ўқитувчи лавозимига талабгорлар, ёш ўқитувчилар ҳамда ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бу машғулотлар профессор-ўқитувчилар таркибига ўтказилади, зарур ҳолларда синов машғулотлари тингловчиларнинг ўқув гуруҳлари билан ўтказилиши мумкин. Машғулот тугагандан сўнг унинг муҳокамаси ўтказилади. Профессор-ўқитувчилар машғулотларнинг ижобий томонлари ва камчиликлари, таълим ва тарбиявий мақсадларда эришилган ютуқлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар ҳамда машғулот ўтказиш методикасини яхшилаш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берадилар.

Педагогик назорат - ўқув жараёни сифатини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш устидан назорат амалга оширилади. Педагогик назорат кафедра ва цикллар томонидан ишлаб чиқилиб, Ўқув-услубий бўлим билан келишилган ҳамда Институт бошлиғи ёки биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилади. Ушбу жадваллар Ўқув-услубий бўлимда календар йили якунига қадар сақланади. Ўқув машғулотларини педагогик назорат қилиш ҳамда очиқ ва синов машғулотлари натижалари Ўқув-услубий бўлим томонидан таҳлил қилинади ва кафедра (сикл) йиғилишларда муҳокама этилади. Келгусида машғулотни янада сифатли ўтказиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилади. Педагогик назорат натижалари профессор-ўқитувчиларнинг ўқув машғулотларини педагогик назорат қилиш қайдномасида акс этилади. Ўқитувчи педагогик назорат натижалари билан танишиб чиқиб, имзо қўяди ҳамда машғулотни ўтказиш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсияларни инobatга олган ҳолда, педагогик маҳоратини ошириш бўйича мунтазам ўз устида ишлайди. Педагогик назорат ва бошқа мақсадларда машғулотларга кириш ўқув машғулотлари бошланишидан аввал амалга оширилиши ва ўқув жараёни олиб борилишини бузмаслиги зарур.

Ўқув машғулотларга ўзаро қатнашиш - профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-тарбиявий ишлари, машғулот ўтказиш методикаси бўйича тажриба алмашиш мақсадида ўтказилади. Ўқув машғулотга ўзаро қатнашиш режадан ташқари ўтказилиши мумкин. Режадан ташқари машғулотларга ўзаро қатнашиш сони чекланмайди. Ўқув машғулотларга педагогик назорат тартибида кириш ёки тажриба алмашиш мақсадида ўзаро қатнашиш ўқув машғулотлари бошланишидан аввал ўқитувчи

огоҳлантирилганидан сўнг рухсат этилади, бу машғулот ўтказишга ҳалақит бермаслиги керак.

Конференция, давра суҳбат ва семинарлар - ички ишлар органларининг тингловчиларда назарий ва амалий қизиқиш туғдириши мумкин бўлган долзарб муаммолари, касбий таълим методикасининг умумий масалалари, ўқитишнинг алоҳида блок (модул) лар бўйича таълим бериш методикасининг умумий саволлари, касбий таълим масалалари, ўқув жараёнига замонавий технологиялар, усул ва воситаларни жорий қилиш, профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини ташкил қилиш муаммолари, тингловчиларга таълим бериш, педагогик фаолиятнинг ижобий тажрибасига ва касбий тайёргарлик самарадорлигига баҳо бериш мақсадида ўтказилади.

Мустақил изланувчиларнинг илмий ижодий куни – расман илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчиларга Республика ахборот-ресурс марказларида, илмий-тадқиқот ва бошқа олий таълим муассасаларида, амалий органларда ҳамда илмий раҳбарлари ва маслаҳатчилари билан илмий ишни олиб бориш учун Институт бошлиғи томонидан ҳафтанинг бир кунига рухсат берилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки, ички ишлар органлари учун етук касбий тайёргарликка, зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган, юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда, ходимларининг узлуксиз таълим тизимида самарали бошланғич, махсус ва қайта тайёргарликдан, шунингдек интеллектуал ва профессионал салоҳиятини ошириш учун доимий равишда малака ошириш курсларини ўтказиб бориши ҳамда ўқув-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, ўқитиш ва тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш орқали эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.01.05.2023 йил. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни. 2020-йил 23-сентябрь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни. 2016-йил 16-сентябрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 15-апрелдаги ПҚ-5076-сон “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018-йил 9-августдаги 19-2018-сон “Олий таълим муассасаларида тингловчиларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.